10598

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 28 март Шанба.
№ 24 (144117)

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

Ийд ал-Адҳа — Қурбон ҳайити муносабати билан Сизга Америка Қўшма Штатлари халқининг Ўзбекистон халқига энг эзгу тилакларини йўллайман. Ушбу байрам Сизга ва мамлакатингиз фуқароларига бахт-саодат келтирсин. Ислоҳотлар йўлидан бораётган Ўзбекистон равнақи йўлидаги фаолиятингизда Сизга улкан муваффақиятлар тилайман.

Камоли эҳтиром ила,
Уильям Ж. КЛИНТОН,
Америка Қўшма Штатлари Президенти



ҲАМЖИҲАТЛИК — ТАРАҚҚИЁТ САРИ ЙЎЛ

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ўртасидаги давлатлараро Кенгаш мажлисида иштирок этиш учун Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев, Қирғизистон Президенти А. Акаев ҳамда Тожикистон Президенти И. Раҳмонов 26 март куни Тошкентга келди.

Ўзбекистон Президентининг Дўрмон қароргоҳида юқори мартабали меҳмонларни Президент Ислом Каримов қарши олди. Шу ерда Президентларнинг ўзаро музокаралари бошланди. Мулоқот чоғида Президентлар ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартнома доирасида олиб борилаётган ҳамкорлик, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, халқаро ҳаётда рўй бераётган муҳим воқеалар тўғрисида ўзаро фикр алмашдилар.

Президентларнинг ўзаро мулоқоти ниҳоясига етгач, расмий делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Учрашув кун тартибидан жой олган биринчи масала Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида имзоланган ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартномага Тожикистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида якдил фикрга келинди.

Музокараларда халқаро консорциумлар тузиш, қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантиришнинг умумий тамойиллари, БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиёти учун махсус дастури (Спека), Марказий Осиё батальони («Центразбат») фаолияти, минтақавий интеграцияни чуқурлаштириш, уч мамлакат Бош вазирлари Кенгаши раислиги, ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартнома доирасида шу кунга қадар имзоланган ҳужжатларнинг амалий жараёнини назорат қилиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартнома доирасида давом этаётган ҳамкорлик ўзининг ижобий самараларини бераётгани таъкидлаб ўтилди. Хусусан, ушбу шартнома доирасида йирик халқаро консорциумлар тузишга алоҳида эътибор қаратилаётганини юқори баҳолаш мумкин. Бу орқали минтақага чет эл инвестициясини жалб этиш имкониятлари янада кенгаяди. Музокараларда БМТнинг Эке, Эскато ташкилотлари, Россия Федерацияси вакиллари кузатувчи сифатида иштирок этди.

Музокаралар сўнггида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида 1994 йил 30 апрелда имзоланган ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартномага Тожикистон Республикасининг қўшилиши тўғрисидаги протокол, минтақавий интеграцияни янада чуқурлаштириш тўғрисида тўрт давлат раҳбарларининг баёноти, халқаро сув-энергетика консорциуми тўғрисидаги қарор, тўрт мамлакат ўртасида қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантиришнинг умумий тамойиллари тўғрисидаги битим, шунингдек, «Центразбат-97» ўқув машқлари якуни ва «Центразбат-98» машқларини ўтказиш тўғрисида, шартнома доирасида имзоланган ҳужжатларнинг амалий жараёнини назорат қилиш тартиби тўғрисида, тўрт мамлакат Бош вазирлари Кенгаши раиси ҳақида ва давлатлараро Кенгашнинг навбатдаги мажлисини ўтказиш тўғрисидаги қарорлар, Марказий Осиё иқтисодиёти учун БМТнинг махсус дастури (Спека) тўғрисидаги Тошкент декларацияси имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг матбуот конференцияси бўлди.

Матбуот конференциясида журналистларни қизиқтирган асосий масала мазкур шартномага аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи хусусида бўлди. Шу мазмундаги саволга жавоб қайтарар экан, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов, Тожикистон Республикасининг ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартномага қўшилганини муҳим воқеа сифатида таъкидлади.

— Ушбу воқеа бошқа мамлакатларнинг ҳам эътиборини тортиши шубҳасиз, — деди Ислом Каримов. — Биринчидан, бу халқларимизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқариш, ўтиш даври муаммоларини биргаликда бартараф этиш имкониятини кенгайтиради. Биз мавжуд табиий, иқтисодий, маънавий имкониятларимизни том маънода кенгайтираяпмиз. Ўзимизни бир бутун минтақа сифатида яна ҳам яққолроқ намоён этишимиз мумкин. Марказий Осиё мамлакатлари фақат замонавийлик ёҳуд интеграция учунгина ҳамкорлик қилаётгани йўқ. Бунинг асл сабаби биз тарихан ўзаро яқин халқлармиз. Ягона иқтисодий макон барпо этиш шартномаси доирасидаги ҳамкорлик ҳақида гапирганда эса бир нарсани таъкидлаш керакки, бирон-бир томоннинг манфаатларига зид келадиган қарор қабул қилмаймиз. Мавжуд қарорлар олдимизга қўйган мақсадларимизга мувофиқдир. Яна бир карра айтмоқчиманки, бизнинг ҳамкорлигимиз ҳеч кимга қарши қаратилган эмас. Бугунги учрашувда қабул қилинган баёнотда олдимизга қўйган мақсадимиз аниқ баён этилган. Фурсатдан фойдаланиб, учрашув иштирокчилари ва улар орқали қардош мамлакатлар халқларини барчамиз учун азиз ва қадрли бўлган Наврўз байрами билан қутлайман.

Матбуот анжуманида ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартнома доирасидаги ҳамкорлик ўз самарасини бераётгани Президентлар томонидан таъкидланди. Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев барча интеграцион блоклар ичида айнан Марказий Осиё мамлакатлари ўзаро иқтисодий интеграцияси йўлида имзоланган ҳамма ҳужжатлар ҳаётга тўла татбиқ этилаётганини айтди.

Президентлар МДҲ доирасидаги воқеалар, минтақада хавфсизлик ва барқарорлик ҳамда иқтисодиётга тааллуқли масалалар юзасидан ҳам ўз фикрларини баён этдилар.

Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг Тошкент доимо муҳим қарорларни қабул қилишга кўмаклашиб келган, деган сўзлари Тошкент учрашувининг аҳамиятини яна бир карра таъкидлагандек бўлди. Ёдимизда борки, ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартнома ҳам бундан тўрт йил муқаддам Тошкентда имзоланган эди.

Сўнгра Президентлар журналистларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтардилар.

Давлатлараро Кенгаш мажлиси тугаганидан сўнг олий мартабали меҳмонлар Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Тошкентда қад кўтарган янги иншоотлар билан танишдилар.

Меҳмонлар дастлаб ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки янги биносига ташриф буюрдилар. Йигирма икки қаватли бу пурвиқор бино ўз салобати билан Тошкентнинг ғурурию, мамлакатимизнинг фахрига айланган обидалардан биридир. У ўзининг улуғворлиги, ҳашамдорлиги ҳамда нозик ва нафис ишлангани билангина эмас, балки энг замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлангани, мижозлар учун яратилган қулайликлари билан ҳам меҳмонлар диққатини тортди. Давлат раҳбарлари бу ерда ишнинг қандай йўлга қўйилгани, хусусан, банк операцияларини амалга ошириш жараёни, ахборот алмашув, тезкорлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги имкониятлар билан яқиндан танишдилар.

Шундан сўнг олий даражали меҳмонлар «Юнусобод» теннис мажмуини бориб кўрдилар. Ушбу ажойиб мажмуанинг тўрт мингга яқин томошабинга мўлжалланган, устки қисми очилиб-ёпиладиган ҳашаматли теннис саройи меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Теннисдан ташқари спортнинг бошқа турларини ҳам ўтказишга мослаштирилган мазкур сарой ўзининг ташқи ва ички кўриниши, Шарқу Ғарб меъморчилиги ва санъати уйғунлашиб кетган безаклари билан давлат раҳбарларининг диққатини жалб этди. Теннис мажмуи кўздан кечирилар экан, меҳмонлар бу ерда ҳар йили ўтказиладиган анъанавий «Президент кубоги» мусобақалари, бошқа бир қанча тадбирлар ҳамда мажмуанинг барпо этилишига доир кўплаб саволларга жавоб олдилар. Ўзбекистон ҳукуматининг, хусусан, Президент Ислом Каримовнинг мамлакатда спортни кенг тарғиб қилиш ва уни ривожлантиришга катта эътибор бераётганини юксак баҳоладилар.

(ЎзА)

ЖУРНАЛИСТЛАР КЕНГАШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Оммавий ахборот воситаларида демократик жараёнларни чуқурлаштириш, ҳаётга танқидий-таҳлилий қарашни кучайтириш» мавзуида семинар-кенгаш иш бошлади.

Анжуманни Оммавий ахборат воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг ҳамраиси Х.Дўстмуҳамедов очди.

Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев кириш сўзида сўнгги йилларда мамлакатимиз Президенти томонидан оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга ва демократлаштиришга катта эътибор берилаётганини таъкидлади. 1990 йилда Ўзбекистонда 200 та газета нашр этилган бўлса, 1998 йилда уларнинг сони 700 тага етди. Матбуотни қўллаб-қувватлаш ва уларда сўз эркинлигини таъминлаш мақсадида махсус жамғарма ташкил этилди. Бундан ташқари, матбуотга, журналистик фаолиятга доир қонунлар қабул қилинди. Демак, журналистларимизнинг фаолияти қонун билан кафолатланди.

Тўртинчи ҳокимиятнинг демократлашуви жамиятнинг демократлашувига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самардорлигини таъминлашга ёрдам беради.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ахборот маркази раҳбари С.Ҳакимов «Оммавий ахборот воситаларида демократик жарёнларни чуқурлаштириш, танқидий-таҳлилий маданиятни шакллантиришнинг асосий тамойиллари», Олий Мажлис ахборот ва матбуот қўмитаси раиси Ў.Ҳошимов ҳамда ҳуқуқшунослик фанлари доктори Ҳ.Одилқориев «Оммавий ахборот воситалари тараққиётининг ҳуқуқий кафолатлари, ҳуқуқий-танқидий таҳлил» мавзуларида маъруза қилди.

Маърузалар юзасидан музокараларда «Жаҳон адабиёти» журналининг Бош муҳаррири О.Шарафиддинов, «Ўзтелерадиокомпания» раиси А.Кўчимов, «Ўзбекистон овози» - «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири А.Суюн, Жиззах вилоят телерадиокомпанияси раиси Т.Мақсудов, «Тафаккур» журнали Бош муҳаррири Э.Аъзамов ва бошқалар мамлакатимизда матбуотни демократлаштириш йўлида маълум ютуқларга эришилганлигини, бу жараённи янада чуқурлаштириш зарурлигини таъкидладилар. Бу борадаги фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Семинар-кенгашда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў.Раҳматов, Президентнинг матбуот котиби А.Зиёев иштирок этди.

Анжуман 28 март куни ўз ишини давом эттиради.

ЎзА

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарларининг минтақавий интеграцияни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги БАЁНОТИ

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарлари ўз халқларининг тарихий ва маданий муштараклигига асосланган, турли соҳаларда давлатлараро ҳамкорликнинг муҳим аҳамиятини эътироф этган ҳолда, умумий иқтисодий макон барпо этиш учун шароит яратиш истагида, Марказий Осиё халқлари тинчлиги, хавфсизлиги ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиётини мустаҳкамлашни кўзлаб, 1998 йил 26 март куни Тошкент шаҳрида навбатдаги учрашувни ўтказдилар.

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси раҳбарлари:

- Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартномага Тожикистоннинг қўшилишини якдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар;
- ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартноманинг очиқлигини яна бир бор тасдиқлайдилар ва Туркманистоннинг ҳам бу Шартномада ўзига мақбул тарзда иштирок этишини қутлашларини алоҳида таъкидлайдилар.

Давлатлар раҳбарлари:

- босқичма-босқич эркин савдо зонаси - божхона иттифоқи - тўлов ва валюта иттифоқлари ва ниҳоят - товарлар, хизматлар ва сармояларнинг умумий бозори томон илгарилаган ҳолда, иқтисодий интеграция ва ўзаро алоқаларни изчиллик билан чуқурлаштиришларини;
- ҳозирги пайтда агросаноат мажмуида, сув-энергетика соҳасида, транспортда, ишлаб чиқариш кооперацияси ва тўлов - ҳисоб-китоб муносабатларида ҳамкорлик қилиш интеграциянинг устувор йўналишлари эканини;
- Марказий Осиё давлатларининг интеграциялашуви ҳар бир мамлакатнинг ўз манфаатларига асосланган ва шу манфаатлардан келиб чиқадиган табиий ва объектив жараён деб ҳисоблашларини алоҳида эътироф этадилар.

Томонлар:

иқтисодий интеграция жараёнларини чуқурлаштириш учун мақбул шарт-шароит яратиш мақсадида миллий қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни бир-бирига мослаштириш ишларини фаоллаштиришга;

Марказий Осиё минтақаси иштирокчи давлатлари тараққиётининг умумий истиқболини кўзлаган ҳолда, яқин йиллардаги минтақавий иқтисодий ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқишга;

ягона иқтисодий макон барпо этишнинг дастлабки ва муҳим босқичи сифатида минтақада эркин савдо зоналарини шакллантиришни бошлаб юборишга;

Шартнома иштирокчиси бўлган давлатлар халқ хўжалиги мажмуаларининг устувор тармоқларида тузилажак халқаро консорциумларнинг фаолияти ўзаро манфаатли, умумий, минтақалараро лойиҳаларни амалга оширишга қаратилиши лозимлигига;

умумий аграр бозорни вужудга келтириш мақсадида, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта ишлаш тармоғини эса хом ашё билан таъминлаш юзасидан аграр секторни ривожлантиришда ўзаро келишилган сиёсатни амалга оширишга;

ижтимоий, маданий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик ва ўзаро мустаҳкам алоқаларни фаол ривожлантиришга;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий офатлар ва фалокатлар оқибатларини тугатиш бўйича ўзаро келишилган саъй-ҳаракатларни режалар асосида амалга оширишга, Орол денгизи ҳавзаси ва Оролбўйида экология вазиятини яхшилаш чора-тадбирларини амалга оширишни давом эттиришга;

қабул қилинган қўшма қарорлар сўзсиз бажарилишини таъминлашга келишиб олдилар.

Томонлар ҳукуматларига:

Марказий Осиё минтақасини янада ривожлантиришнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш мақсадида Бош вазир ўринбосарлари даражасида комиссия тузиш;

божхона қонунчилигини бир-бирига яқинлаштириш, божхона тўловлари, эгри солиқлар миқдорини мослаштиришни таъминлаш, ўзаро савдо-сотиқда божхона назоратини амалга оширишнинг ягона тамойиллари тўғрисида ўзаро келишилган қарор қабул қилиш;

божхона ишларини қийинлаштирадиган, товарларнинг эркин ҳаракати ва мамлакатлар орқали олиб ўтилишига тўсқинлик қиладиган қарорлар қабул қилмаслик;

тўланмаган ўзаро қарзлар муаммоларини ҳал этиш учун тижорат банклари имкониятларини, корхоналарнинг векселлари ҳамда қарз мажбуриятларини ишга солиш;

ҳар бир мамлакатнинг манфаатлари, мавжуд ресурслари, ишлаб чиқариш имкониятлари ва истиқболларини, ўзаро меҳнат тақсимоти натижасида эришилган ютуқларни ҳисобга олган ҳолда, қўшма корхоналар ва ишлаб чиқариш кооперацияси тармоғини ривожлантириш;

Марказий Осиё энергетика тизимидаги ўзаро алоқаларнинг самарали йўлларини топиш, бунинг учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиш;

транспортнинг барча турларида тариф сиёсатига ўзаро келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш, муҳим юкларни ташиш бўйича тариф йўлакларини барпо этиш, транспорт хизмати бозорида мамлакат юк ташувчилари улушини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

Шартнома иштирокчиси бўлган давлатлар ҳудудига келтириладиган товарлар сифатини назорат қилишнинг ягона тамойилларини ишлаб чиқиш, ички бозорда вақтинча ҳимояга муҳтож бўлган товарларнинг келишилган рўйхатини тузиш;

уюшган жиноятчиликка, террорчиликка, наркотик ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши ва сотилишига қарши курашни кучайтириш борасидаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш;

минтақавий ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, ўзаро келишилган стратегияни амалга ошириш;

Марказий Осиё мамлакатлари фуқаролари ўртасида ўзаро мулоқотларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш чораларини амалга оширишга кўмаклашиш топширилади.

Президентлар Марказий Осиё халқларининг туб манфаатларига мос келадиган абадий дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун мумкин бўлган барча чораларни кўришга қатъи аҳду паймон қилганликларини яна бир бор таъкидлайдилар.

Президентлар Марказий Осиё келгуси минг йилликда жаҳон цивилизациясида халқлар ва давлатлар ўртасида дўстлик ва қардошлик муносабатлари гуллаб-яшнаган, иқтисодий жиҳатдан ривожланган минтақа сифатида муносиб ўрин эгаллашига аминдирлар.

Қозоғистон Республикаси Президенти	Қирғизистон Республикаси Президенти	Тожикистон Республикаси Президенти	Ўзбекистон Республикаси Президенти
Н.НАЗАРБОЕВ	А.АКАЕВ	И.РАҲМОНОВ	И.КАРИМОВ

Миллий қадриятлар: ўйғониш даври

БАДИИЙ АКАДЕМИЯ: ОРЗУЛАР РЎЁБИ

Ўзбекистон Бадиий Академияси раиси Турсунали ҚЎЗИЕВ билан мулоқот

-- Турсунали ака, аввало бир ҳақиқатни эътироф этгим келади, яъни ҳар сафар Ўзбекистон Бадиий Академияси деган номнинг ўзини тилга олганимда кўнглимга бир сурур, ғурур тўлгандай бўлади. Академиянинг ташкил этилганига бир йил тўлибди-ю, лекин унинг фаолияти, салоҳияти мамлакатимиз янги тарихининг дилтортар саҳифаси бўлиб қолгандек...

-- Баъзан шундай бўлади: замона зайли биланми ёки қай бир шахс, оқимнинг нопок ниятлари, кўролмасликлари туфайлими, йиллар, балки даврлар давомида асрлик ҳақиқатлар, тарих тан олган адолат қонунлари юзига қора парда тортилади. Аммо, муқаррар равишда бир куни эзгулик, тўғрилик тантана қилгач, ҳалиги ҳақиқат, адолат ҳам бор бўйи билан жамиятда намоён бўлади. Бироқ одамлар уни мутлақ янгилик каби қабул қилмайдилар, чунки улар азал-азалдан ўша ҳақиқат, адолатга ихлос билан яшаганлар, унинг руҳи, нурларини қалбан ҳис этганлар...

Зеро, Республикамиз Президентининг "Ўзбекистон Бадиий Академиясини ташкил этиш ҳақида"ги Фармони ҳам аввало асрлар оша тараққий этиб буюк бобокалонимиз Амир Темур даври Ренессансида янада юксалган жаҳон тасвирий санъатига улкан ҳисса қўшиб келган миллий тасвирий, амалий, миниатюра, меъморчилик санъати мактабларимиз шон-шуҳратини қайта тиклаш борасидаги тарихий воқеа бўлди. Бу ўзбек зиёлиларининг, санъаткорларининг, рассомларининг асрий орзуси эди десак, муболаға эмас.

Неча минг йиллик бой маданий меросга эга бўлган санъатимиз воислари, ҳақиқий ватанпарвар рассомларимиз ўзларининг кундалик ижодида Ватан, жамият, давлат, халқ томонидан кўрсатилажак доимий ғамхўрлик, эътиборни ҳис этдилар.

-- Ғамхўрликни ҳис этмоқ заминида масъулиятини ҳам теран англамоқ ётади.

-- Албатта. Санъаткорларимиз ўз навбатида миллий ўзбек тасвирий, амалий, миниатюра санъатини янада ривожлантириш, жаҳон миқёсида тобора қадди, қадри юксалиб бораётган Ўзбекистонимиз шарафини юксалтирувчи бетакрор асарлар яратиш йўлида изланаяптилар.

Мазкур Фармон халқимиз маданияти, санъатининг келажаги, истиқболи ҳақидаги беқиёс ғамхўрлик эканлиги ўтган бир йилдаёқ равшан исбот бўлди. Мазкур Фармон туфайли ижод аҳлига яратилган имкониятлар: ижодий эркинлик, бошланғичдан тортиб олийгача бўлган бепул бадиий таълим олиш ҳуқуқи, меҳнат ва ижодга халқ ҳамда давлат томонидан эътибор, моддий, маънавий ғамхўрликнинг турли шаклларда таъминланиши -- Ватаннинг чин эътиқодли фарзанди бўлган ижодкор чуқур мамнуният билан тан олаётган неъматлардир. Тасвирий санъат аҳли буларнинг барчасидан фойдаланибгина қолмай, Фармонда Бадиий Академиянинг олдига қўйилган барча вазифалар, назарда тутилган мақсадларни уддалашни бурч деб биладилар. Чунки бу беқиёс имкониятлар, ишонч бугунги ўзбек рассомига унинг келажак ижоди, меҳнати учун Президент, давлат, жамият томонидан берилган авансдир.

-- Мустақиллик даврига-ча "умумсовет тасвирий санъати" деб аталадиган бўтана оқимда ўзимизнинг қиёфамизни ҳам ёддан чиқараёздик. Қисқа муддат ичида ўзингнинг бетакрор қиёфанг, санъату маънавиятда башарият ичра ажралиб турадиган қадду камолинг борлигини ҳис этмоқликнинг ўзи бир буюк уйғониш, шундай эмасми?

-- Маънавият, санъатда эришилган натижаларни рақамлар билан ифодалаб бўлмайди.

Кейинги йилда Бадиий Академия томонидан Ватанимизда ва хорижда ўтказилган кўргазмалар сони билан эмас, балки унда намойиш этилган асарлар чуқур мазмуни, юксак савияси билан, маҳорат меваси эканлиги билан эътибор қозонмоқда. Кўргазмалар мазмунан бой, миллий анъаналарга хослиги, маданий меросга асосланган асарлар билан тўлаётганлигини кўп сонли томошабинлар эътироф этмоқдалар. Бу ҳол халқнинг миллий ўзлигини англашига, рассом билан жамиятни яқинлаштиришга хизмат қилмоқда, аввалги даврда умри фақат заҳматли меҳнатга чирмаб ташланган санъатсевар халқимиз ҳаётига нафосат, гўзаллик нафасларини олиб кирмоқда.

Таниқли мўйқалам усталаридан бирининг "томошабин ва рассомларнинг бу муҳташам кўргазма зали охирги йилларда бунча халқни кўрмаган эди",- деган сўзларини энг аввало шу Фармонга жавобан келажагига ишонч билан ижод қила бошлаган ёш, миллий рассомларимиз меҳнатига берилган илк баҳо деб қабул қилиш мумкин.

Халқаро Тошкент кинофестивали иштирокчиларидан бўлган жаҳонга машҳур санъаткорлар Америка Қўшма Штатлари конгрессменлари ва бошқа кўплаб томошабинларнинг эътирофлари ўзбек тасвирий санъатига берилган юксак баҳодир.

-- Ҳаттоки ўзимизга ҳам эриш туюладиган тақдослаш: узоқ ўн йилликлар давомида дунёнинг аксарият халқлари миллатимизни танимади. Билганлари ҳам "ўзбек" деганда фақат пахтаю пахтакорни англаган бўлсалар, ажабмас. Мустақиллик маданияти, маънавияти туфайли ижод аҳлига яратилган имкониятлар: ижодий эркинлик, бошланғичдан тортиб олийгача бўлган бепул бадиий таълим олиш ҳуқуқи, меҳнат ва ижодга халқ ҳамда давлат томонидан эътибор, моддий, маънавий ғамхўрликнинг турли



шаклларда таъминланиши -- Ватаннинг чин эътиқодли фарзанди бўлган ижодкор чуқур мамнуният билан тан олаётган неъматлардир. Тасвирий санъат аҳли буларнинг барчасидан фойдаланибгина қолмай, Фармонда Бадиий Академиянинг олдига қўйилган барча вазифалар, назарда тутилган мақсадларни уддалашни бурч деб биладилар. Чунки бу беқиёс имкониятлар, ишонч бугунги ўзбек рассомига унинг келажак ижоди, меҳнати учун Президент, давлат, жамият томонидан берилган авансдир.

-- Узр, гапингизни бўлганим учун. Лекин сиз чиқармоқчи бўлган хулосага ҳали анча эрта. Олдимизга қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун яратилган шарт-шароитлар, Марказий Осиёда етакчи мавқе ва нуфузга эга бўлган мазкур ягона илм-фан даргоҳининг барча имкониятлари ҳаётга сафарбар этолгани йўқ.

-- Турсунали ака, тарихан мавжуд бўлиб келган ёҳуд ҳозир ҳам ривожланган мамлакатларда фаолият кўрсатаётган Академиялар билан солиштирганда бизнинг Бадиий Академиямизнинг ўзига хосликлари ҳам борми?

-- Жаҳон мамлакатлари тажрибасини кузатадиган бўлсак, асосан санъат оламида нуфузга эришган таниқли ёки ҳаётнинг барча синовларидан ўтиб келган рассомларгагина Бадиий Академия насиб этган. Шу боисдан ҳам бу турдаги Академиялар тарихида кекса авлод билан ёшлар ўртасида низолар чиқиб турган.

Ўзбек Бадиий Академиясининг бадиий таълим тизими шундай ташкил этилдики, республикамизнинг барча ҳудудида яшовчи, Аллоҳ нафис ва ноёб иқтидор берган ёшларнинг ўз қобилиятларини намойиш этишлари учун; улар ҳар хил ҳаётий тўсиқлар ортида қолиб кетмасликлари учун тўғри академик бадиий таълим олишларига бевосита ёрдам берилади. Бундай ёшлар келажакда элга, Ватанга, миллий маданиятга ўзининг ижоди билан хизмат қилишини таъминлайдиган билимга эга бўладилар. Ҳозир барча вилоятларда (Сурхондарёдан ташқари) Бадиий Академиянинг тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатлари ташкил этилди. Бундай махсус мактабларни битирган истеъдодли ёшлар таълимни давом эттиришлари учун мўлжалланган Республика Рассомлик коллежи, миллий рассомлик ва дизайн институти ҳам ўзининг илк талабаларини қабул қилди. Бу ташкилий жиҳатларга тааллуқли бўлган ўзига хосликлар. Яна бир муҳим томони шундаки, ўзбек Бадиий Академияси мавжуд Академиялардан ўз муҳити билан ҳам фарқ қилади. Мустақилликка яқинда эришган республикамиз ёшларига хос бўлган жўшқинлик Академиямиз фаолиятидаги ҳукмрон руҳдир.

Ёш бўлишига қарамай, ўтган йилнинг ўзида академик Акмал Нуриддинов ёркин рангтасвир асарлари билан Франция, Бельгия ва бошқа бир қатор мамлакатларда ташкил этилган кўргазмаларда, буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод мерос қолдирган миниатюра мактабининг бугунги кундаги ёркин намояндаси, академик Шомаҳмуд Муҳаммаджонов янги миниатюра композициялари билан Ватанимизда ва хориждаги кўргазмаларда муваффақият қозондилар.

-- Бадиий Академиямизнинг дунёдаги бошқа турдош Академиялар билан ҳамкорлиги ҳақида ҳам тўхталсангиз.

-- Бир йил давомида жаҳоннинг энг кекса, ҳатто



ки, Академия сўзининг ватани бўлган Афина Бадиий Академиясидан тортиб қатор ривожланган мамлакатлар Академияларигача тан олиб, табрик йўллаб, ҳамкорлик учун шартномалар имзолашга тайёр эканликларини билдирдилар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак... мана, шариш, янгиланиш фаслида турибмиз... баҳорнинг бу қадар севимли, дилларга яқин эканлигининг сабаби унинг офтобга интилган ҳар бир гиёҳдан тортиб, жонзотлар, инсонларгача меҳру муҳаббат, ҳарорат билан сийлаши бўлса керак.

Мустақиллик, эркни ҳам баҳорга қиёслаш мумкин. Эзгу ниятлар, боқий гўзалликлар, энг покиза туйғулар, инсоний қадр-қиммат, қалбнинг олижаноб фазилатлари мустақил Ватан, эркин ҳаётдаги тўла-тўкис ўзлигини намоён эта олади. Бадиий Академиямизнинг йиллик фаолияти, тажрибаси бу ҳақиқатнинг яна бир ҳаётий исботи бўлса, ажабмас.

Муҳтарама УЛУҒ суҳбатлашди

Демократия дарслари

ЯНГИЧА ТАФАККУР — БАРКАМОЛЛИК ОМИЛИ

2. ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Вужуд ва руҳ уйғун бўлмаса у салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Натижада ўзида маънавий-руҳий эҳтиёжларни устувор деб билган инсонлардан кўпроқ мусбат қувват, тана эҳтиёжлари билан яшашни устувор деб билганларда эса инсоний моҳиятдан узоқ манфий қувват кўпроқ тўплана боради. Ҳар икки ҳолат ҳар хил оқибатни келтириб чиқаради. Бу уларнинг жамиятга бўлган муносабатларида яққол кўринади. Бирларида "фозиллик", иккинчиларида эса "жоҳиллик" аломатлари кўпроқ бўлади.

Инсоннинг ўз моҳиятига яқинлашиши ёки ундан узоқлашиши, жамиятда ўз манфаатларини қандай даражада англаши билан ҳам бевосита боғлиқдир. Инсон турли хил манфаатлар тизими билан бирга муайян гуруҳда фаолият кўрсатади. Умуман олганда жамиятда одамларни турли-хил даражадаги: шахсий, оилавий, миллий, давлат ва жамият манфаатлари тизимисиз тасаввур этиш қийин. Аммо, инсоннинг у ёки бу манфаат доирасида фаолият кўрсатиши жамиятда ўз ўрни ва мавқеини, масъулиятини, бурчини қай йўсинда ҳис этиш билан боғлиқ. Ҳаётда қандай тамойилларга асосланишида кўпроқ унинг маданий-маърифийлашган даражаси асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Жамиятда инсон ўз фаолиятини Ватан даражасидаги манфаат тизими билан боғламаса, улар умуминсоний мақсадларга йўналтирилмаса, оқибатда инсон ўз манфаатини тор доирада англайди. Унинг бир томонлама, умуманфаат тизимига тўла асос бўла олмаслигини англаб етмайди. Ёки англаб етишга аста-секин ожизлик қилиб, унинг фаолиятида бир томонламалик, номукаммал кўринишлар, хатти-ҳаракатлар, хулқ-атвор маромлари қарор топадики, бу унинг нокомиллигидан далолат беради. Юксак маърифий негизларга ва қадриятларга таянмаган манфаатлар тизими ҳаётда номукаммал инсонларнинг шаклланишига сабаб бўлади. Инсон тафаккури ҳам шунга мос бўлади. Бундай инсонлар кўпроқ шу шароит ёки муҳитнинг таъсирида бўлади. Ўзининг мустақил мавқеига эга бўла олмайди.

Мамлакатимиз бой давлатчилик, маданий, маърифий ривожланиш тарихига, анъаналарига эга. Қадимдан мамлакатнинг ободлиги, фаровонлиги унинг раҳбари билан қиёсланган. Юртнинг келажаги у билан, унинг раҳбарлик фаолияти, салтанатнинг тартиб ва тартиботлари билан боғлаб, халқнинг унга бўлган ҳурмати, эътибори жалб этилган. Бу анъана бугунгача давом этиб келмоқда. Шарқда бу ўзига хос тарзда баҳоланади ва тақдирланади. Аммо, тарих тақозоси шундайки, подшоҳлар кўп ўтган, лекин уларнинг ҳаммалари ҳам "одил", "фозиллик" номини қолдирмаган.

Мамлакатнинг заифлашиб, ўз мавқеидан ажралиб қолишига, бошқа давлатлар ёки халқлар таъсири доирасигача тушунишига олиб келганлиги ҳам афсуски тарихдан маълум.

Жамият ривожининг истиқболини таъминлаш мамлакатда ҳамжиҳатлик, барқарорлик, халқнинг ўзлигини чуқур англаши, авлодлар ўртасидаги ўзаро ворисийлик ҳамда тадрижийлик қонунларига узлуксиз, мунтазам амал қилиш билан узвий боғланган.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон ўз тарихий анъаналарини қайта тикламоқда. Давлатчилик тажрибаларини дунё тажрибаси билан боғлаб сиёсат юритмоқда. Бугун дунёвий тамойилларга таянган ҳолда адолатли, ҳуқуқий-демократик фуқаролар жамияти барпо этилаяпти. Унинг асосий устувор йўналиши "Фуқаро-жамият-давлат" муносабатида ўз аксини топган.

Ватанга, инсонга хизмат қилиш ҳар бир раҳбарнинг жамият олдидаги бурчидир. Боиси, бу умуминсоний манфаатларга хизмат қилади. Шунда жамият янада поклана-ди ва инсонийлашади. Жамиятда ҳар бир шахс фаолияти, унинг баркамоллигига, равнақига қаратилади. Адолатсизлик, қонунсизлик ҳолатлари барҳам топади. Қонун устуворлиги амалга ошади ва тўла таъминланади. Шундагина айрим инсонлар тафаккури ва ички дунёсида яширин ҳолдаги нохолисона, салбий иллатлар йўқотилади.

Маънавият устуворлиги жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ривожига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Чунки, у инсон фаолияти, ақл-заковати, маданий даражаси билан боғлиқдир. Инсон маърифийлашиб борган сари комилликка эришиб боради. Бу унинг энг тўғри, маданий-маърифий асосидир.

Ҳар бир инсон тафаккури ўз миллий негизлари орқали дунё маънавиятидан баҳраманд бўлса, ўзлигидан бегоналашмайди.

Жамият ривожида ҳам бу ўзига хос қонуният сифатида намоён бўлади. Маънавият устувор бўлган ва унга амалда эришган мамлакатнинг истиқболи порлоқдир. Илм-фан юксалиб, жамиятга ўз самарасини янада кўпроқ беради. Одамлар янгича фикрлаб, фаолияти қанчалик жипслашган бўлса ва истиқлол ғоясига хизмат қилса, у шунча катта моддий кучга айланади. Аксинча, фаолият тарқоқ бўлса, манфаатни англаш турли хил бўлиб, ягона мақсад ва ғояга қаратилмаса самара сезилмайди. Шу маънода янгича тафаккур манфаатларни Ватан даражасида англаб етиш, мустақиллик йўлида халқда ягона руҳни шакллантириш, уларни истиқлол ғояларига тўла хизмат қилишига олиб келади.

Инсонларни комиллашиб, ўзлигини англаши, бунёдкорлик ишларини амалга ошириши, эзгу мақсадлар йўлида фидойилик кўрсатиши жамият тараққиётини таъминлашнинг муҳим кафолати ҳисобланади. Жамият ривожи ҳамиша ҳам ҳар бир ҳалқнинг хоҳиш-иродаси, истагига мос равишда ривожланмаган. У эса халқларни ўз негизидан йироқлашишига, тарихий-миллий қадриятларга нисбатан лоқайдлик, бефарқлик, ўзликдан узоқлашишни келтириб чиқарган. Айниқса, маънан қашшоқ, ҳаётнинг мазмуни фақат моддий фаровонлик, роҳат-фароғатдан иборат деб билган одамларда кўпроқ сезилади. Имон сустлашган жамиятда инсонлар ўртасида ана шундай нооқилона муносабат, ҳаётга бир томонлама ёндашиш кайфияти ҳукмрон бўлган. Бунга узоққа бормасдан, собиқ иттифоқ даври сиёсати ва мафкураси оқибатларини, мақсад ва манфаатларини фикран таҳлил этиш бунга ишонч ҳосил қилишга олиб келади. Бугунги мустақиллик шароитида унга атрофлича баҳо берилди. Янги жамият қуриш учун комил инсонлар кераклиги, уларни тарбиялашнинг ва тайёрлашнинг жамият билан боғлиқ бўлган таълим-тарбия тизимини яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Республикада кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий Дастурнинг қабул қилиниши бу йўлдаги энг улуғ ишлардан биридир. Бугун мамлакатимизда баркамол авлодга - тараққиётнинг таянчи сифатида қаралмоқда. Шу мақсадда давлатнинг Миллий Дастури амалга оширилмоқдаки, бу истиқболда янгича тафаккурга асосланган баркамол авлодларни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

И.ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси фалсафа кафедраси мудири, сиёсий фанлар доктори, профессор

Газета саҳифаланаётганда

ҲУШЁР ВА ТЕРАН ФИКРЛАЙЛИК

Кейинги пайтларда матбуот саҳифаларида ва оммавий ахборот воситаларининг турли тўлқинларида тенгдошларимизнинг эътиқод эркинлиги масаласида фаол чиқишлари мени ҳам ўз фикрларимни билдиришга чорлайди.

Эътиқод инсоннинг ҳаётга бўлган интилишини кучайтиради, унинг бутун бир орзу мақсадларини катта бир нуқтада жамлайди.

Барча инсонлар интилган манзил битта. Фақат ўша манзилга борадиган йўллар турлича бўлиб, улар диннинг уч хил кўринишини (будда, христиан, ислом) ташкил этади.

Марказий Осиё халқлари табиати ва руҳияти жиҳатидан Ислом маънавиятига мойил. Шу сабабли республикамизнинг 80 фоиз аҳолиси Ислом динига эътиқод қилади ва фуқароларнинг эътиқод эркинлиги Конституцияда кўрсатилганидек ҳимоя қилинади.

Ислом дини ўзининг афзалликлари, яъни гўзал ахлоқ-одобни тарғиб қилиши ва инсониятга фақат эзгуликни сингдириши билан муҳим ўрин тутади. Лекин ақидапарастлик ва дин ибтидосига кўр-кўрона қайтиш яхшиликка олиб келмайди. Буни биз республикамизда рўй бераётган воҳҳобизмнинг салбий оқибатларидан кўриб турибмиз.

Ҳаёт остонасида ҳали турмуш тажрибаси етарли бўлмаган айрим ёшларимизнинг Исломнинг моҳиятини чуқур англаб етмаган, манфаатини кўзлаб ҳаракат қилаётган кишилар таъсирига тушиб қолиш уларнинг ҳаётини ва шу орқали бизнинг фаровон турмуш тарзимизни заҳарламоқда.

Ҳозирги кунда ана шу адашишнинг олдини олиш мақсадида университетимизда ҳам жамиятдаги ўзгариш ва янгиликларни чуқур ўрганиб таҳлил қилиш ва ҳар бир ишга жиддий муносабат билан қарашга ўргатувчи мунозарали суҳбатлар ва конференциялар ўтказилмоқда.

Шу маънода яқинда Президентимизнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида" асари бўйича ўтказилган водий миқёсидаги конференцияда ҳам Ислом экстремизми ва фундаментализми масаласига алоҳида эътибор берилди. Конференция сўнгида ушбу масала қизғин мунозарага айланди. Баҳслар натижасида тенгдошларимнинг теран фикрлаши воқеликни одилона баҳолай олиши муаллимларимизни ғоят қувонтириб юборди.

Биз ҳамиша ҳушёр тортиб динни ниқоб қилиб олган қора ниятли кишиларга муросасиз бўлиб ўз покиза эътиқодимиз йўлида дадил борган ҳолдагина эртанги мақсадларимизга эриша оламиз.

Гўзал МУҲАММАДЖОНОВА,
Фарғона Давлат университети ўзбек филологияси факультети, V-курс талабаси

ЁШЛАР УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИ

Фарғона туманидаги Водил қишлоқ ўрамида истиқомат қилувчи 750 нафардан зиёд ёшлар яқин вақт ичида доимий меҳнат билан машғул бўлади. Вилоят меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси ёшларни иш билан таъминлаш борасида олиб бораётган амалий тадбирлари натижаси ўлароқ бу ерда йилига 220 тонна пилла хом ашёсини қайта ишлашга ихтисослашган йирик фабрика бунёд этилди. Айни кунда корхонада сўнгги монтаж ишлари поёнига етказилмоқда.

Вилоятда ёшларни иш билан таъминлаш масаласига жиддий эътибор берилмоқда. Жумладан, Меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси сармояси ҳисобидан Ёзёвон туманида иссиқхоналар учун плёнка ишлаб чиқаришга ихтисослашган Ўзбекистон-Болгария қўшма корхонаси, Қувасой шаҳрида тикувчилик фабрикаси, шарбат тайёрлаш цехи, Данғара туманида эса йилига 3 миллион шартли банка консерва тайёрлаш имкониятига эга бўлган корхона бунёд этилиб, 2 минг 300 га яқин янги иш ўрини ташкил этилди.

- Барча шаҳар ва туманларимизда доимий иш билан банд бўлмаган ёшларни ишга жалб этиш, қайта ўқитиш, касбга йўналтириш, ҳунар ўргатиш борасида амалий иш олиб бориляпти, - дейди Фарғона вилоят меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Эргашбой Ҳошимов. - Шу мақсадда Боғдод, Риштон, Учкўприк, Бешариқ, Қиргули туманлари, Марғилон ва Қувасой шаҳарларида ташкил этилган меҳнат ярмаркаларида 1480 нафар ёшлар ўз касб-корлари бўйича ишга жойланди. Шунингдек, «Уста-шогирд» анъанаси асосида 2 минг 256 нафар ёшлар миллий ҳунармандлик соҳасига жалб этилди. Бундан ташқари турли ўқув юртларини тамомлаган 7210 нафар киши иш билан таъминланди, ёшлардан қарийб 500 нафари Жанубий Кореяда ишлаб қайтди.

Вилоят меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси маълумотларига кўра ўтган йилнинг ўзидагина йигирма мингга яқин ёшлар иш билан таъминланди.

Р.КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАБАРЛАРИ

ОҚМОЛА. Қозоғистон ҳамда Россиянинг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиялари учрашуви ниҳоясига етди. Унда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро меъёрларни бажаришда икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида битим имзоланди. Ҳужжатда Россиядаги қозоқлар ва Қозоғистондаги рус миллатига мансуб аҳолининг ҳуқуқлари камситилган ҳолатда фуқаролар инсон ҳуқуқлари комиссиясига ёки мамлакат элчихоналарига мурожаат қилишлари белгилаб қўйилди.

Шунингдек, учрашув иштирокчилари мунтазам равишда ўзаро учрашувлар, илмий-амалий конференциялар ва бошқа тадбирлар ўтказишга келишиб олди. Навбатдаги учрашув жорий йилнинг сентябр ойида Москвада ўтказилади.

* * *

ДУШАНБЕ. БМТ Хавфсизлик Кенгаши яқинда Тожикистонда бўлиб ўтган воқеалар юзасидан ҳабарга қараганда, Қозоғистон Шимолий Атлантика ҳарбий блоки ҳузурида ўз ваколатхонасини очди. Унинг раҳбари этиб мамлакатнинг Бельгиядаги элчиси Авезхон Кирбасов тайинланди. Мутахассисларнинг айтишича, бу Қозоғистон билан НАТО ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

* * *

АЛМАТИ. Алмати вилоятида Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев совғини учун мактаб ўқувчилари ўртасида халқаро бокс мусобақаси бўлиб ўтмоқда. «Алфа банк» ташаббуси билан ўтказилаётган бу мусобақада мамлакат вилоятлари ҳамда қўшни Қирғизистондан ташриф буюрган 250 га яқин ёш спортчи қатнашмоқда.

Мазкур мусобақа Мексикада бўладиган жаҳон болалар олимпиадаси ара-

ДУНЁ КАФТИМИЗДА

фасида ташкил этилган.

* * *

ДУШАНБЕ. Тожикистон Республикаси Осиё Тараққиёт банкига аъзо бўлди. Эндиликда Тожикистон ҳам мазкур ташкилотдан молиявий ёрдам олиши мумкин.

Мазкур банк раҳбариятининг апрель ойида Швейцариянинг Женева шаҳрида ўтадиган йиғилишда бир неча масалалар қаторида Тожикистонга қарз бериш имкониятлари ҳам муҳокама қилинади.

Шунингдек, яқин кунларда Банк мутахассислари гуруҳи Тожикистон ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган макроиқтисодий лойиҳаларини ўрганиш учун Душанбега ташриф буюради.

ЎзА

ОҚМОЛА. Қозоғистон Ташқи ишлар вазирлиги тарқатган йиғилиш ўтказди. Ёпиқ эшиклар ортида ўтган мазкур йиғинда Тожикистон ҳукумат қўшинлари билан мухолифат гуруҳлари ўртасида юзага келган қарама-қаршилик таҳлил қилинди. Маълумки, Тожикистоннинг Кофирниҳон туманида бўлиб ўтган қуролли тўқнашувлар оқибатида ички ишлар ходимлари ва ҳарбий хизматчилардан бир неча ўнлаб киши ҳалок бўлган эди.

Хавфсизлик Кенгаши вакили Абдулла Муҳаммад Салоҳ бу келишмовчилик ҳукумат ва мухолифат гуруҳлари ўртасида имзоланган тинчлик битимига зиддир, деб таъкидлади. Шунингдек, у томонларни ушбу битим шартларини бажаришга даъват қилди.

* * *

АГАРДА...



“ -- Туманимизда янги очилган консерва цехига икки ойлик синов муддати билан ишга олингандим. Аммо муддат тугамасдан мени ишдан бўшатишди. Шу тўғримми?

Фарҳод ОРИПОВ,
Ғиждувон”

-- Улар корхонанинг ижтимоий манфаатидан келиб чиқиб бундай қилишга ҳақли. Раҳбариятга қайсидир жиҳатингиз (сабабсиз иш қолдиришингиз, ишга кечикишингиз в. ҳ.) ёқмаган бўлиши мумкин.

Агарда ушбу савол билан судга мурожаат қилсангиз, масала сиз томонга ҳал бўлади. Суд қарори билан ишдан бўшатган корхонага сизга иш ўргатиш юклатилади.

“ -- Қизим яқиндагина 3 ёшга тўлди. Соат бешдан кейин қарайдиган одам йўқ. Ишга чиқсам ишлаш жойимдан вақтли қайтишимга рухсат борми?

Гулнора НАЗАРОВА,
Тошкент шаҳри”

-- Боласи 12 ёшга тўлгунча оналар бундай ҳуқуқга эга. Сакқиз соатли иш куни ўрнига, шароитига қараб кам соат ишлаши мумкин. Иш ҳақи шунга қараб белгиланади.

“Иккинчи ишхонамдагилар асосий ишхонангдан тавсиянома олиб кел дейишяпти. Аммо ишга кираётганимда сўрашмаганди.

Севара ТУРҒУНОВА,
Бўка тумани”

-- Янги Меҳнат Кодексига асосан ишлаш жойингиз сиздан олдин ҳам, ҳозир ҳам тавсиянома сўрашга ҳақли эмас.

Саволларга Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг бош ҳуқуқ нозири Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ жавоб берди.

Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур

ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР УЧУН ЛИЦЕЙ

Илгари иқтидорли болалар учун лицей сифатида ташкил этилган ҳамда Наманганда энг нуфузли ҳисобланган ўқув юрти яқинда номини ўзгартирди. Энди у аниқ ва табиий фанлар лицейи деб юритилмоқда. Лекин, лицей ташкилотчиларининг асосий мақсади ўзгаргани йўқ: ўқув юртига ёшлигиданоқ фан, асосан аниқ фанлар бўйича қобилиятини намойиш этган болалар қабул қилинади. Шуни ҳам айтиш лозимки, олтинчи синфда ўқиётган болалардан бошлаб барча ўқувчи танлов асосида қабул қилинмоқда.

- Лицейга қабул қилинадиган болалар ёшини пасайтирганимиз бежиз эмас, - дейди лицей директори Муҳаммаджон Раҳматуллаев. - Чунки фанларнинг мураккаб бўлимларига аста-секинлик билан ўтиш лозим. Олдин фан асослари ўрганилади. Натижада болаларнинг билими янада мустаҳкамланади. Бу иш ўз самарасини бермоқда. Лицей ташкил этилганига қарийб саккиз йил бўлди. Ўқув юртимиз тарбияланувчилари турли фанлар бўйича ўтказиладиган ҳар йилги вилоят олимпиадаларида совринли ўринларни эгаллаши одат бўлиб қолган. Лицей ўқувчилари республика ва ҳатто халқаро даражадаги олимпиада ва конкурсларда ҳам ғолиб чиқмоқда. Ҳозир лицейимизни битирганлардан бир неча киши «Умид» жамғармасининг стипендиясини олиб, АҚШ ва Туркия дорилфунунларида таҳсил кўрмоқда. Лицей ташкил этилганидан буён уни 350 нафар талаба битирган бўлса, шундан 330 нафари республика олий ўқув юртларига кирди.

Буларнинг барчаси ўқувчиларимизга яхши билим берилаётганини кўрсатади. Ўқитувчилар таълимнинг энг илғор усулларидан фойдаланаётгани туфайли шундай натижаларга эришилмоқда.

Ҳозир лицейга кириб ўқимоқчи бўлганлар жуда кўп. Шу сабабли, ўқитувчиларнинг фикрича, муаммони ҳал этиш йўлларидан бири - таълимнинг мувозий пуллик тизимини ташкил этишдир. Бу тадбир ўқув юртининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашга ҳам ёрдам беради.

Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурдан кўзланган асосий мақсадлардан бири - билимли, ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлай оладиган шахсларни тарбиялашдир. Наманган лицейи жамоаси бу дастурни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилмоқда. Ўқитувчи ва ўқувчилар республика таълим тизимида янги тузилмалар - академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш чоғида Намангандаги аниқ ва табиий фанлар лицейи мақоми сақланиб қолишига аминдирлар. Чунки, бундай ўқув юртини ёш истеъдодлар учун намунавий мактаб сифатида сақлаб қолишнинг аҳамияти равшан.

Н.ХЎЖАЕВА,
ЎзА мухбири.

Байрам болаларники

Бойчечаклар югуриб Наврўз қўшиғини бошлаганларидан буён ҳар бир кунимиз ўзгача тароват касб этиб бормоқда.

Баҳорги таътил ҳукм сураётган айни кунларда болакайлар қаёққа ғойиб бўлишган, биласизми?

Пойтахтимиздаги “Туркистон” саройидаги чалинаётган карнай-сурнай садоларига яхшилаб қулоқ тутинг-а. У ерда “Наврўз таронаси” янграмоқда. Биз ҳам бу тантанадан бехабар қолмайлик деб борганимизда тўй тараддуди кўрилиб, “ёр-ёр” садолари остида гўзал қизлар қуршовида келинчак кириб келаётган

СУМАЛАК ПИШГУНЧА

экан.

Тўй дарагини эшитган болажонлардан тортиб отахонлару момолар йиғилгач, келинчак -- Баҳорой қўклам таомларини келтирди. Наврўзбек эса сумалак учун дошқозон осди.

Сумалак қайнаган дошқозон атрофида турли миллат болаларининг шўх-шодон рақслари ва қўшиқлари авжига чиқди. Ҳаммасидан ҳам “Сумалак”ка қошиқ қўтариб келган севимли ва жажжи қўшиқчи Дилшодбек Каттабеков айтган ашулалар томошабинлар таҳсинига сазовор бўлди. Ва ниҳоят, сумалак қиёмига етди. Биз ҳам ундан татиб кўриб, болакайлар нега “Туркистон” саройига шошиб қолишганини англадик...

М.ТОЖИМАМАТОВА

Боҳона бекати

БАҲОРГИ “ДАЛА ТАДБИРКОРЛИГИ”

Яқинда Фарғона туманининг Лоғон қишлоғи атрофидаги айланма дала йўлларини назорат қилиб юрган вилоят божхона бошқармасининг “Қувасой” маскани ходимлари “яширинча” кетаётган КАЗ русумли автоуловни тўхтатиб, божхона назоратидан ўтказдилар. Маълум бўлишича, Лоғон қишлоғида яшовчи О.Иминов 10 тонна минерал ўғитни машинага юклаб, ҳеч қандай ҳужжатсиз республикадан ташқарига олиб кетаётган экан. “Ҳожатбарор” қоидабузар, чамаси ҳозир айни баҳор фасли, далада ўғитнинг бозори чаққон бўлади, деган хаёлга борган кўринади.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ,Давлат божхона қўмитаси инспектори

БУГУНГИ “ЎТКАН КУНЛАР”

Тақдимот

Кейинги йилларда киночиларимизнинг самарали, серқирра фаолиятлари натижасида мухлисларга бир қанча янги асарлар тақдим этилди. Яратилган фильмлар авваллгиларидан фарқли ўлароқ, эркин руҳ, янгича тафаккур энг муҳими, тарбиявий томондан ниҳоятда аҳамиятли эканлиги жиҳатидан кишини қувонтиради.

Куни кеча пойтахтимиздаги Киночилар уйида Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романи асосида суратга олинган янги фильмнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Режиссёр Мэлс Абзалов, оператор Хотам Файзиев йиғилганларга ижод жараёни ва “Ўтган кунлар”га қайта мурожаат этилишининг сабаблари ҳақида гапириб бердилар. Томошабинлар номидан сўзга чиққан Абдулла Қодирийнинг қизи Аниса Қодирова фильм ижодкорларига самимий миннатдорчилик билдирди.

Яқин кунларда бу фильм ойнаи жаҳон орқали ўзбек кино мухлислари эътиборига ҳавола этилади.

П. АЛЛАБЕРГАНОВА,
ТошДУ талабаси

“НАФОСАТ”ДА УЧРАШАМИЗ

“Туркистон” газетаси таҳририяти қошида ёш санъат мухлисларининг “Нафосат” клуби ташкил этилди. ТошДУ профессори Ҳамидулла Акбаров раҳбарлик қиладиган бу машғулотга санъат сирларини билмоқчи бўлган, бу ҳақда мақолалар ёзиш истагидаги ёшлар таклиф этилади.

Дастлабки гурунг “Туркистон” таҳририятида (Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 508-хона) 2 апрель соат 15.00 да ўтказилади. У янги, икки серияли “Ўтган кунлар” бадиий фильми ижодкорлари билан учрашув ҳамда шу асар муҳокамасига бағишланади.

ДУШАНБА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Дилрабо тароналар».
8.55 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.20 Болалар учун. «Кўнғироқча».
9.40 «Темурнома». Видеофильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.40 «Орзулар камалаги». Бадиий фильм.
11.50 Жаҳон спорти.
12.05 «Жараён».
12.25 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
12.50 — 14.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Наврўз чечаклари».
18.25 «Олам ва одам».
18.45 «Энг муҳими».
19.05 Футбол майдонларида.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.45, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Тадбиркорлик пиллапоялари».
21.20 «Очун».
21.50 «Ҳамроз билан». Юлдуз Усмонова.
22.25 «Мозийга қайтиб». «Меҳробдан чаён» видеофильми ҳақида.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 24.00 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
19.05 «ТВ-2» шу ҳафтада.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Туризм ҳақида.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Тарона».
21.15 «Бешинчи ўлчов».
21.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.20 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.35 «Даракчи» (рус тилида).
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 «Ёш Индиана Джонс хроникаси». Телесериал.
23.45 Жаҳон мумтоз мусиқа хазинасидан. С. Рахманинов. «Биринчи концерт». Республика конкурси совриндори Гулзамон Ғуломова ижро этади.
00.15 — 00.20 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 17.20 — 20.40
*
20.40 «Каскадёрлар. Моҳирлар ва эпчиллар оламида».
*
Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 Экранда сериал: «Жиноят изидан». 3-серия (Олмония).
23.05 — 23.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.10 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Бож хирож».
20.30 «Чинор» видеоканали: «Рангинкамон».
«Дидар».
21.10 «Ҳаёт карвони».
21.30 «Мусиқий танаффус».
21.35 «Умр баҳори».
21.50 «Намастэ».
22.15 «Спорт-тайм».
22.45 — 22.55 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 31

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Қалбим наволари». Мусиқий дастур.
9.05 Биржа ва банк хабарлари.
9.20 «Олам ва одам».
9.40 «Темурнома». Видеофильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Теран томирлар».
10.30 Инглиз тили.
11.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Чодир хаёл». Телеспектакль премьераси.
11.40 «Рақс алифбоси».
12.05 «Баджаҳл Бамбр». Мультфильм.
12.15 «Қишлоқ ҳаёти».
12.35—14.00 Кундузги сеанс. «Йўқолган хазина». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ов». Мультфильм.
18.30 «Умидим қолди».
19.00 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар телевизион клуби.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Тилга эътибор».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Адолат мезони». 1-кўрсатув.
21.25 Бир жуфт қўшиқ.
21.35 «Акс-садо».
22.10 Санъат усталарининг концерти.
22.40 Анор. «Азизим». Видеофильм.
23.30 «Ахборот».
23.55 Янги мавсум арафасида. «Спортчилар базми».
00.35—00.40 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Эввойи ҳайвонот олами».
19.05 «Онагинам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.00 Шарқ эстрадаси.
21.20 Кундалик.
21.30 «Спорт қитъаси».
22.00 «Даракчи».
22.10 Оҳанглар ва эълонлар.
22.20 Кинонигоҳ. Антонио Бандерас «Шартаки» фильмида.
24.00—00.05 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.40
*
20.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам»
*
Россия давлат телевидениеси. 21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Жиноят изидан». Бадиий фильм. 4-серия.
23.05 — 23.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.20 «Наволарда аён этсам».
19.45 «Телефакт».
19.55, 22.15 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Халқ саломатлиги йўлида».
21.05 «Уйингоҳ».
21.25 «Мусиқий дақиқалар».
21.30 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
21.55 «Хит-коллекция».
22.20 «Қувноқ кино».
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 1

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Янграсин шўх яллалар».
9.00 «Олимпиадачилар орамизда».
9.20 «Зумраша». Болалар учун киножурнал.
9.40 «Темурнома». Видеофильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Камолот».
10.25 Алифбо сабоқлари.
10.55 Болалар учун. «Наврўзи олам».
11.20 «Остонаси тиллодан».
11.40 «Ёшлик» студияси. «Дунё кўриб, дунёлар ярат».
12.05 «Мисоли уч мушкетер». Адабий кўрсатув.
12.40 «Шукуҳ».
12.55 — 14.00 Кундузги сеанс. «Учрашув». Телевизион бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ҳа, ҳа, ҳа». Ҳазил ҳажвия, ҳангома.
18.35 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...»
18.40 «Солиқ ва назорат».
19.05 «Бу гулшан соз». Мусиқий дастур.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.15 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан...»
21.50 «Адолат мезони». 2-кўрсатув.
22.20 «Келин-куёв». Телешоу.
23.10 «Ахборот».
23.35 «Ёшлар табассуми».
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 Жаҳон халқлари эртаклари.
18.35 «Биринчи бўса». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Маслаҳат».
20.10 «Нафис мажлислар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Кулгига нима етсин».
21.20 «Хонадон».
21.40 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.25 «Даракчи» (рус тилида).
22.35 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 «Гап йўқ».
23.50—23.55 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси 6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.40
*
20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
Россия давлат телевидениеси. 21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Италияликларнинг Россиядаги ғаройиб саргузаштлари». Бадиий фильм.
23.10 «Доира оҳангида». Фильм-концерт.
23.25—23.45 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.10 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 Мусиқий дақиқалар.
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Парвоз».
20.30 Дилрабо тароналар.
20.45 «Автосалтанат».
20.55 «Аския». Телефильм.
21.40 «Дурдаршан».
22.15 «Яхши кайфият».
23.05 — 23.15 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 —8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Ватан, мадҳингни куйлайман». Мусиқий дастур.
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Баҳор лавҳалари».
9.20 Болалар учун. «Меҳржон».
9.40 «Темурнома». Видеофильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Спортчилар сулоласи».
11.15 «Шоирлар — болаларга».
11.40 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
12.05 Кундузги сеанс. «Сеҳрли тун». Бадиий фильм.
13.10—14.00 «Келин-куёв». Телешоу.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Умид учқунлари» Тележурнал.
18.30 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Адолат мезони». 3-кўрсатув.
21.30 «Оталар чойхонаси».
22.25 «Битик».
22.50 «Бозор рақобати — сифат кафолати».
23.10 «Сеҳрли шўъла».



Кинокўрсатув.
23.30 «Ахборот».
23.55—24.00 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Аралаш-куралаш». Болалар учун дастур.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Дилнавоз садолар».
19.00 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Сир».
20.15 «Одобнома».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мутойиба».
21.20 «Олис ва яқин Ҳиндистон».
21.40 «Даракчи».
21.50 Оҳанглар ва эълонлар.
22.00 Оилавий экран. «Мистер Питкиннинг касалхонадаги саргузаштлари». Кинокомедия (Англия).
23.30 «Тун».
24.00 — 00.05 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.40
*
20.40 «Болаларга бахшида умр». Телекўрсатув.
*
Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Жонни Мнемоник». Фантастик фильм (АҚШ).
23.05 — 23.25 «Ахборот»(рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.10 «7 дан 70 гача».
19.35 «Ҳамшаҳарлар».
19.55, 22.50 Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Рақурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.15 «Интерспорт».
21.35 «Минг бир маслаҳат».
21.50 «Италияда баҳор».
22.35 «02» тўлқинида.
22.55 «Киносалон».
00.25 — 00.35 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Қўшиқ санъати ва давр».
8.55 «Юзма-юз».
9.15 Болалар учун. «Ҳикматлар хазинаси».
9.40 «Темурнома». Видеофильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Зийнат».
10.55 «Компьютер сабоқлари».
11.20 «Сарғайган саҳифалар». Адабий кўрсатув.
11.45 «Ҳўжалик ва ҳуқуқ».
12.05 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти.
12.45 — 14.00 Кундузги сеанс. «Тўғри сўзнинг тўқмоғи». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Серғайрат кампир». Мультфильм.
18.20 «Ғазалхон ёшлигим».
18.40 «Иш билганга — минг танга».
19.00 «Диёрим Ўзбекистон». Қодир Жўракулов куйлайди.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дунё адабиёти».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан...»
21.50 «Адолат мезони». 2-кўрсатув.
22.20 «Келин-куёв». Телешоу.
23.10 «Ахборот».
23.35 «Ёшлар табассуми».
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 Жаҳон халқлари эртаклари.
18.35 «Биринчи бўса». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Маслаҳат».
20.10 «Нафис мажлислар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Кулгига нима етсин».
21.20 «Хонадон».
21.40 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.25 «Даракчи» (рус тилида).
22.35 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 «Гап йўқ».
23.50—23.55 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси 6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.40
*
20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
Россия давлат телевидениеси. 21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Италияликларнинг Россиядаги ғаройиб саргузаштлари». Бадиий фильм.
23.10 «Доира оҳангида». Фильм-концерт.
23.25—23.45 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.10 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 Мусиқий дақиқалар.
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Парвоз».
20.30 Дилрабо тароналар.
20.45 «Автосалтанат».
20.55 «Аския». Телефильм.
21.40 «Дурдаршан».
22.15 «Яхши кайфият».
23.05 — 23.15 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Шоҳруҳ» клуби.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
9.20 «Сени Ватан кутади».
9.40 «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
*
10.00 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
10.40 «Шеър ва шуур».
10.50 Туркий қавмлар. Найман.
11.05 Болалар учун. «Сеҳрли оҳанглар».
11.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Шифобахш маскан». Премьера.
11.50 Эстрада тароналари.
12.20 Кундузги сеанс. «Имконият». Бадиий фильм.
13.35—14.05 «Маънавият». Публицистик кўрсатув.
***
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — Андижон (Андижон). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Мусаввир». Телефильм.
17.50 Мультолам.
18.10 Жаҳон спорти.
18.20 «Ҳайрат». Бадиий- публицистик кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида),
20.15 «Омонлик тилаймиз».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.25 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
22.00 «Ҳамма кўриши шарт... эмас»
22.50 «Ахборот».
«Тунги ёғду» дам олиш дастури.
23.15 «Мусиқий саёҳат».
23.35 «Жан Кристофф». Бадиий фильм. 7—8-сериялар.
01.05—01.10 Ватан тимсоллари.

II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Болалар учун фильм. «Аралаш».
9.25 Ў. Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари». Телеспектакль 1-қисм.
10.30 Бокс. Бокс. Бокс.
10.50 «Таурас куч тўпламокда». Телесериал.
11.40 Болалар экрани. «Астерикс-2»
12.50 «Дойче Велле» тақдим этади...
13.10 «Жонни Квест саргузаштлари». Мультфильм.
13.30 «Нью-Йорк». Телесериал.
*
14.20 Кўрсатувлар дастури.
14.25 «Гиннес шоуси».
14.50 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.40 «Мутойиба».
16.00 «Спорт қитъаси».
16.30 «Олис ва яқин Ҳиндистон».
16.50 «Ўғирланган». Телесериал.
17.40 «Кулгига нима етсин».
*
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «У ким? Бу нима?».
18.30 «Сувости дунёсига саёҳат».
19.00 «Дилбарим».
19.15 «Гулдаста». Мусиқий дастур.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Ханда дўкони».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мехри — дарё».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
22.50 «Даракчи».
23.00 «Спорт қитъаси».
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 Кинонигоҳ. Жеймс Вудс «Бестселлер» детективида.
01.10—01.15 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.05 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.10 «Цирк, Цирк, Цирк».
*
Россия жамоат телевидениеси. 17.40 — 22.45
* * *
22.45 Эълонлар.
22.50 «Уддабурон аёл». Бадиий фильм.
00.10 — 00.40 «Наврўз». Телефильм.

IV

10.00 «Спектаклдан сўнг».
10.20 Эълонлар.
10.25 «Шанба эртаги».
11.35 «Ассалом, Франция!».
11.55 Кундузги сеанс.
13.25 — 13.55 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз»(«Америкага бир назар» кўрсатувига илова: инглиз тили ҳамма учун).
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.40 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Уй остонадан бошланади».
20.25 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.45 «Наволарда аён этсам».
21.10 «Дурдаршан».
21.45 Кинематограф.
23.05 Араб эстрадаси.
23.35 — 23.45 «Мунаввар тонг истаб».

ЯКШАНБА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Зиёрат».
11.10 «Ҳамма кўриши шарт... эмас».
12.00 «Ер тилсимини очиб».
12.30 Кундузги сеанс. «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Бадиий фильм.
14.00—14.45 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» (Қарши) — «Сурхон» (Термиз).
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бегемот билан бўлган воқеа». Мультфильм.
18.10 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
18.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Якшанба оқшомида» дам олиш дастури.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 Телевизион миниатюралар театри.
Спорт дастури:
21.45 Спорт. Спорт. Спорт.
22.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. МХСК — «Хоразм» (Урганч).
«Аср мўъжизаси» кинодастури.
22.50 Кино янгиликлари.
23.05 Ўзбек киноси ижодкорлари.
23.25 «Маҳфий дипломатия». Бадиий фильм. 1-серия.
00.20—00.25 Ватан тимсоллари.

II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ў ким? Бу нима?»
9.15 Ў. Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари». Телеспектакль. 2-қисм.
10.20 «Гулдаста». Мусиқий дастур.
10.30 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
11.50 «Бизнес-академия».
12.05 «Таурас куч тўпламокда». Телесериал.
12.55 Болалар экрани.
*
«Якшанбада яхши дам» дастури:
13.10 Кўрсатувлар дастури.
13.15 «Сиз ёқтирган қўшиқлар».
13.30 «Нью-Йорк». Телесериал.
14.20 Жаҳон халқлари эстрадаси.
14.40 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.20 «Интер-футбол».
16.05 «Бари ҳазил».
16.30 Мультипанорама.
16.50 «Ўғирланган». Телесериал.
17.40 Келгуси ҳафтада.
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Сувости дунёсига саёҳат».
18.40 «Бўш ўтирма».
19.00 «Турфа олам».
19.25, 19.55, 20.25 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Нафосат».
20.10 «Жараён».
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 «Изҳор».
21.20 «Даракчи».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Миллионлар ўйини».
22.40 Тақвим. Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 Якшанба кинозали. «Атиргуллар жанги».
00.40 — 00.45 Тунингиз ҳайрли бўлсин!

III

17.20 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 17.25 — 23.45
*
23.45 Эълонлар.
23.50 — 00.15 «Панорама» (рус тилида).

IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?».
9.55 «Якшанба эртаги».
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари»(инглиз тилида).
11.45 Клип-антракт.
11.55 Эълонлар.
12.00 Киносалон.
13.45 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.15 «Жонли сайёра».
14.35 Клип-антракт.
14.45 Кундузги сеанс.
16.30 Мультэкран.
16.50 — 17.10 «Сенинг вақтинг».
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.55 Эълонлар.
19.05 «Кобра». Телесериал.
19.50 «Бугунги кун мавзуси».
20.05 Клип-антракт.
20.15 «Хайрли оқшом».
20.45 «Иштирок этувчилар».
21.05 Жаҳон киноси янгиликлари.
21.35 «Мусиқий Олимп».
22.00 Киносалон.
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

СИЗДА ДИЛБАРЛИК ЁР БЎЛСИН

АКТЁР РАЪНО ЯРАШЕВА БИЛАН ШОИРА ЗУЛФИЯ МЎМИНОВА СУҲБАТИ

-- Раъно, сени болаликдан яхши таниганим, бир дарёдан сув ичиб катта бўлганим учун, кел, суҳбатимиз ҳар доимгидек оддий бўлаверсин. Розимисан?

-- Розиман...

-- Биз тез-тез такрорлайдиган ўша ҳикматли тилак, яъни "Кенг феъл -- кетмас давлат бергин" ҳақидаги тушунчангни баён қилсанг, дегандим.

-- Болалигимда бу ҳикматни Ҳадича момом кўп айтардилар. Умуман кенг феъллик нима учун керак одамзодга? Энди билсам, одамнинг дилида, бағрида, онги-шуурида кенглик бўлмаса у энг ожиз инсон бўлиб қоларкан. Кенг феъл одам -- кечирувчан, тушунувчан, интилувчан, ишонувчан, изланувчан одамдир. Баъзан ҳеч кимни ёқтирмайдиган, ғийбатчи, миннатли одамни феъли тор ҳам дейишади. Тор феъллик -- бахтсизликнинг айнан ўзи эмасми?!

-- Саҳна кишисига кенг феъл нима учун керак?

-- Менинг назаримда энг юқори чўққида турган актёр ҳам эртага ўша чўққидан тушишини, у ерга бошқа юлдуз чиқишини тан олиши керак. Ахир чўққи бир киши учун яратилмаган-ку. Бунинг учун бағри кенглик керак.

-- Сен 1997 йили улуғ бобомиз, Амир Темурнинг суюкли хотини Бибихоним образини яратдинг. Очиғини айтсам, шу образингдан сўнг сени ўзим учун қайта кашф этдим. Шу образни яратиш жараёнини гапириб берсанг?

-- Ўзинг биласан, Зулфия, то Бибихоним образига қадар ҳам бош ролларни яратиш бахтига муяссар бўлганман.

Аммо, Бибихоним бу театр раҳбариятининг, режиссёр Олимжон Салимовнинг менга бўлган улкан ишончи эди. Ўзим учун синов. Чунки руҳан тайёргарлик зарур эди. Тарихий асарларни ўқиш, изланиш, маслаҳатлашиш, фикрлашиш мен учун муҳим бўлган Бибихоним образини яратиш жараёнида шуни англадимки, бу образ илгарилари мен ўйлаганимдагидан ҳам баланд, тадбиркор ва гўзал, жуда кучли тарихий шахс экан. Битта мисол: Ғарбу Шарқда нечта малика ўтган бўлса уларнинг таназзули "ўзим бўлсам", "фақат ўзимники бўлса" каби такаббурлик орқали рўй берган. Бибихоним гарчи хон қизи бўлса-да, кундошларининг боласини болам деб, қўл остидаги ҳар бир фуқаро манфаатини ўйлаб тадбир тузган. Хуллас, малика бўлиб туғилган. Амир Темурнинг бошқа хотин-



лари ҳам аслзодалардан. Улар ҳам гўзал ва ёш бўлишган. Аммо Бибихоним тенгсиз ақл сарварлиги билан очиқфеъл, очиққўнгиллиги, фикрий шижоати билан барчасидан устун турган. Тўғри, у фарзанд кўрмаган, лекин шу бахт насиб этган кундошларини туғишган синглисидек кўрган. Қандай? Қайси куч билан?! Гап мана шунда.

-- Раъно, Бибихоним образидан сўнг саҳнада ўзбек халқ эртаклари асосида яратилган "Зумрад ва Қиммат" асарида Қиммат образини яратдинг. Ростини айт, қийналмадингми?

-- Мен Қиммат образини мазза қилиб ўйнадим. Чиқишим билан болалар кулади. Ўша пайтдаёқ болага айланаман, болаликка қайтаман. Завқли бўлди жуда ҳам.

-- Актёр бўлмаганингда ким бўлишинг мумкин эди?

-- Бир лаҳза ҳам ўзимни театрсиз тасаввур эта олмайман. Ишимдан ҳеч қачон зерикмайман. Мен актёрликдан бошқа касбда ўзимни тасаввур эта олмайман.

-- Шеър ҳам ёзасан, қўшиқ қилиб куйлашади. Шеърий тўпламинг нашр этилган. Нега шеър ёзишингни ўзинг биласанми?

-- Агар севгилингни нима учун севишингни билсанг, демак сен уни севмайсан, деган экан бир донишманд. Шеър -- улкан муҳаббат. Нима учун шеър ёзишимни изоҳлашим қийин. Ҳарқалай бўш қолдим дегунча қўлимга китоб олиб ўқийман. Оқ қоғозга юрак сўзларимни тўка бошлайман. Мен актёрман. Вазифам -- яхшилик уруғини сочиш. Оламга муҳаббат билан қарашга ундаш. Бунинг учун ўзимда ўша нарсаларни кўпайтиришим керак. Бунга фақат ўқиш ва ижод билан эришилади. Чунки санъат ва адабиёт ақл фарзандидир. Шоирликка даъвогар эмасман. Агар ёзганларим кимларгадир ёқиб куйга солиниб ижро этилаётган экан, менга ўхшаб ёруғ изтироб ичра экан, шунинг ўзи менга етарли.

-- Ҳамза номидаги ўзбек давлат Академик драма театри жамоасини, устозларинг, дўстларинг, ҳамкасбларингни жуда яхши кўришингни биламан. Истеъдодли одамлар бир-бирини авайлашини театрингизнинг бугунги жамоасидан ўрганса арзийди. Бу аҳилликка қандай эришилди?

-- Менимча шукроналик орқали. Ҳар куни театр зинапояларидан кўтарилар эканман, Аллоҳга шукур дейман. Эл суйган, ардоқлаган актёрлар -- Ёқуб Аҳмедов, Толиб Каримов, Эркин Комилов, Ёдгор Саъдиев, опаларим Яйра Абдуллаева, Рихси Иброҳимова, Тўти Юсуповалар билан ҳамнафас эканимдан. Ўзбек театрининг бугунги юлдузлари -- Дилбар Икромова, Мадина Мухторова, Зуҳра Ашурова, Саида Раматова, Гулчеҳра Иброҳимбекова, Лола Элтоева ва яна бошқа қатор санъаткор дўстларим борлигидан фахрланаман.

-- Сенда ўз касбдошларинг спектаклларидан таъсирланиб, томошабинлар орасида йиғлаб ўтириш одати бор. Биз адабиётчи дугоналарингни ҳам кўпинча премьераларга таклиф этасан. Раҳмат сенга. Яхши кўрган актёрларингни томошабин бўлиб кўриб ўтирган ҳолатларингни гапириб бер.

-- Биласанми, залга тушгач мен бир меҳрибон томошабинга айланаман. Нега энди айнан меҳрибон, дейман. Чунки, гўё жонимнинг бир учи саҳна билан боғланган бўлади. "Зар қадрини заргар билади" деганларидек, санъаткор дўстларим ҳолатини тушуниб тураман. Биласан-ку Зулфия, ҳозир бировни бир нарсага ишонтириш қанчалик оғир. Ишонч орттириш учун саҳнада ўлиб-тирилаётган дўстларимга Аллоҳ берган истеъдод қаршисида ҳайратдан, севинчдан йиғлайман гоҳо. "Масхарабоз" деган фильм бўларди. Ўшанда энг яқин одами ўлган масхарабоз томошабин олдига чиқишга мажбур. Шунда у чиқиб дейди: "Мен масхарабозман, ҳамма каби мен ҳам шуҳратга зорман".

-- Қизиқ, шуҳратсиз санъаткор ҳеч кимга керак эмас. Шуҳрат эса юрак қонинг эвазига насиб этади. Ўзининг юлдузи чақнашини кутиб гоҳо санъаткор умр бўйи яшайди. Аммо, шон-шуҳрат у энди саҳна билан хайрлашай деб турганда келади. Баъзан эса шон-шуҳрат актёрга биринчи образидаёқ насиб этади-ю, қайтиб бу бахтни у асло учратмайди. Бунга нима дейсиз?

-- Зулфия, биласанми, умид билан юрган бандасини Аллоҳ умидига ёр этади, -- деб ўйлайман. Мен эртанинг умиди билан яшовчи одамман. Табиатан қувноқман. Ўзимни бечора қилиб кўрсатолмайман. Менинг бахтим -- ҳеч қачон бўш вақтим йўқлигидир. Театр, телевидение, радио, кино, гастроллар, учрашувлар, шеърият.

-- Икки қизинг, битта ўғлинг бор. Турмуш ўртоғинг билан узукка кўз қўйгандек муносибсан. "Оила йили"да тилакларинг.

-- Аллоҳ, барча оилаларни бахтиёр этиб, қаторида менинг оиламни ҳам кам қилмасин.

ЮЛДУЗЛАР САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

ҲАМАЛ. *Маошингиз ошади. Ишбилармон аёлларни омад кутади. Жамоатчи ходимлар хорижга сафар қилади.*

САВР. Бизнесда омадингиз келади. Оилавий муаммоларни ҳал этинг.

ЖАВЗО. *Талабалар имтиҳонларга тайёргарликни бошлайди. Хорижга боришбормаслигингиз ана шу синовлар натижасига боғлиқ.*

САРАТОН. Мукофотга эга бўласиз. Хизмат даражангиз ошиши мумкин.

АСАД. *Севган кишингиз ғаройиб совға беради. Баъзилар иш жойларини ўзгартиради.*

СУМБУЛА. Олди-сотдидан йирик даромад оласиз. Талабалар хорижга кетади.

МЕЗОН. *Тижоратчилар янги бозор очади. Севган кишингиз билан учрашиш йўлида муаммога дуч келасиз.*

АҚРАБ. Ёшлар мустақил ҳаётга қадам қўяди. Уларни ажойиб ва ғаройиб воқеалар кутади.

ҚАВС. *Муҳим аҳамиятга молик ҳужжатга имзо чекасиз. Мартабангиз ошади.*

ЖАДЪИ. Келажак умидлари туғён уради. Сиз саёҳатга чиқасиз. Ҳаётдан лаззат топасиз.

ДАЛВ. *Баҳслар фойдангизга ҳал бўлади. Қариндошлар ёки яқин кишингиз билан маслаҳатни билиб қилинг.*

ҲУТ. Ҳамиша одамлар билан бўлган кишини фавқулодда омад кутади. Сиз жамоат эътиборини қозонасиз.

Миробод туманидаги "Элминком" хусусий ишлаб чиқариш савдо фирмаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида Космонавтлар кўчаси, 6-уйда қабул қилинади.



НАВРЎЗ ҚУВОНЧЛАРИ, БАҲОР СЕВИНЧЛАРИ ПОРЛАГАН ГУЛГУН ЧЕҲРАЛАР

— Саҳнага шундоқ чиқаману энг севган қўшиғим — "Шалола"ни айтаман

Суратказ: А. Герасимов

"Туркистон" саёҳатномаси

Кейинги пайтларда Миср Араб Республикасининг таълим ва тарбия соҳаларида бир қатор ижобий ўзгаришлар бўлиб ўтмоқда.

Жўшқин Нил дарёси бўйида жойлашган бу юртни бежиз "Мўъжизалар маскани" дея аташмайди. Ўша муҳташам аҳромотлар қаршисида башар аҳли ҳанузгача ҳайратда. Неча асрлар оша барчани лол қолдириб келувчи бу сир нимада? Унинг синоатлари закий ва заҳматкаш Миср халқининг қалбида, қонида, томирида. У жўш уриб, бугунги Мисрнинг келажак пойдеворлари сифатида намоён бўлаётир.

Миср халқи 70 йилдан ортиқроқ вақт ичида Буюк Британия мустамлакачилик зулми остида эзилиб келди. 1952 йил инқилобидан кейингина мамлакат мустақилликка эришиб, озодликка чиқди. 80-йиллардан бошлаб Миср каттаислоҳотлар сари юз тутди. У аста-секин бозор иқтисоди томон бора бошлади. Ўзининг ҳарбий иқтисодини тинчлик иқтисодини таркиб топтиришга йўналтирди. Хусусий мулкчиликни ривожлантириш, чет эл сармояларини мамлакатга киритиб, ундан фойдаланиш, иқтисодий инфраструктурани ҳосил этиш сари қадам ташлади. Бу ўзига хос "Очиқ эшиклар сиёсати" -- Инфитоҳ номи билан аталди.

1981 йилдан бошлаб Президент Ҳусний Муборак бошлиқ ҳукумат ўз сиёсатини Миср иқтисодини давр талабига мувофиқлаштириш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, маданий савиясини ошириш томон йўналтирган ҳолда, мамлакатда кенг миқёсда иқтисодий ислоҳотларни бошлаб юборди. Шу кунгача босқичма-босқич олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар бугунга келиб ўз самараларини бермоқда. У ҳозирги кунда Африка қитъасининг етакчи давлатларидан бирига айланди.

ТАЪЛИМДА ГАП КЎП ДЕЙДИЛАР

Мавзуимизни энди мамлакатда амалда бўлаётган таълим тизими ҳақида давом эттирсак.

Таълим-тарбия ҳар бир жамият тараққиётининг асосидир. Зеро, юрт эгалари бўлмиш ёшларни ҳар жиҳатдан етук, давр тараққиёти билан ҳамқадам тарбиялаш эртанги куннинг порлоқ бўлишини кафолатлайди.

Миср Араб Республикасида ҳозирда бошланғич таълимдан олий таълимгача бўлган ўқув тизими мавжуд. Уларда ўқув жараёни жаҳон андозалари талаблари асосида олиб борилмоқда. Ўқувчи бошланғич -- 5 йил, тайёрлов -- 3 йил ва ўрта --3 йиллик мактаб таълимини олганидан сўнг, олий ўқув юртлари, асосан дорилфунунларда ўқишларини давом эттиришлари мумкин. Олий ўқув юртларида таълим олиш муддати ихтисосига кўра 4 йилдан 7 йилгачадир. Миср Олий таълим вазирлиги ўрта махсус таълим берувчи куллиётларни, бизнингча айтганда, техникумлар, институтлар, табиий ва гуманитар фанларни ўргатувчи университетларга раҳбарлик қилади. Бакалавр даражаси ўрта мактабни битиргандан кейин ихтисосига қараб, қатор олий ўқув юртларида 4 йиллик, техник, табиий маҳъдларда 5 йиллик, тиббий олийгоҳларда эса 6 йиллик таълимдан сўнг берилади. Шундан сўнг талаба яна ўзи танлаган ихтисоси бўйича магистратура таҳсилини олиши мумкин.

Ҳар бир ўқув тизимини алоҳида-алоҳида олиб қарайдиган бўлсак, бошланғич таълимда ислоҳотлар амалга ошира бошлангандан бери кераксиз машғулотлар олиб ташланиб, ўрнига табиий фанлар, математика, хорижий тиллар, ўз миллий дастурига кенг ўрин берилди. Бу борада Миллий тараққиёт ва болаликни ҳимоя қилиш қўмитаси раиcаси, Президент Ҳусний Муборакнинг рафиқаси Сўзан Муборак хоним ўзининг катта ҳиссасини қўшмоқда. Кейинги таълим соҳасидаги кўрсатмаларга мувофиқ мактабгача тарбиянинг икки йиллик муддати асосий таълимнинг бир қисмига айлантирилиб, бу жараён ўқиш, ёзиш, ҳисоб-китоб, жисмоний тарбия каби асосларни қамраб олган. Бошланғич таълимнинг 30 фоизи тарбиявий йўналишда, 70 фоизи эса ўқиш-ёзиш, ҳисоб-китоб, диний ва миллий билимларни ўргатишга қаратилган. Мактаблардан тортиб ҳамма ўқув юртларида билимни синаш мезони рейтинг асосида олиб борилади. Давлат томонидан бу соҳага йилдан-йилга кўплаб маблағлар сарфланмоқда.

Олий таълим соҳасида мамлакатда илғор давлатлар тажрибаларидан кенг фойдаланилмоқда. Уларда тилларни ўргатиш (айниқса, инглиз ва француз тилларини), савдо-маркетинг, бозор муносабатлари, техник-табиий фанларга кенг ўрин берилмоқда.

Мамлакатда мактабларда, махсус таълим билим юртларида, маҳъдлар, университетлар қошида саводсизликни тугатиш курслари доимий ишлаб туради. Юқорида айтилганлардан ташқари таълим тизимларида кейинги даврда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган махсус дарслар киритилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1992 йил декабрь ойида Қоҳирага қилган расмий ташрифи чоғида ўзаро иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларни янада юқори поғоналарга кўтариш учун хизмат қиладиган бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоландики, улар асосида Мисрнинг "Ал-Азхар", "Қоҳира", "Айн Шамс" сингари университетлари билан Ўзбекистон олий ўқув юртлари орасида талаба ва устозлар алмашиш ишлари кенг йўлга қўйилди.

Мақсуд АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент Давлат шарқшунослик институти катта ўқитувчиси

Диққат, танлов!

«ОИЛА – МУҚАДДАС ДАРГОҲ!»

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан "Оила йили" деб эълон қилинган 1998 йил она юртимиз тарихига ўзига хос саҳифа бўлиб кирди. Истиқлол фарзандларини ҳар жиҳатдан баркамол, етук авлод этиб тарбиялаш, уларни Ватанимизга садоқат ҳамда меҳру муҳаббат туйғусида вояга етказиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган ёш оилаларнинг ҳуқуқий асосларини кенг тарғиб қилиш мақсадида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар, хайрли юмушлар анчайин салмоқли.

Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Камолот" жамғармаси ҳамда "Туркистон" газетаси таҳририяти 1998 йил -- Оила йилига бағишлаб "Оила -- муқаддас даргоҳ" мавзуида ҳуқуқий мавзудаги мақолалар танловини ўтказишга қарор қилди. Танловни ўтказишдан асосий мақсад оиланинг ҳуқуқий асосларини ёшларга кенг тарғиб қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодга оила қуришдек масъулиятли бурчни ҳис эта олишларини тушунтириш ва бу орқали қурилаётган оилаларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, носоғлом оилалар тўғрисида мутахассислар фикрини ўрганиш, кўнгилсиз ҳолатларни келтириб чиқарадиган сабабларни матбуотда ёритиш, соғлом авлодни тарбиялаш ва вояга етказишда иштирок этиш, келажакда бахтли, пойдевори мустаҳкам оилаларни кўпайтиришга эришишдир.

Танлов шартлари:

Мақолалар машинкаланган бўлиб, ҳажми 4-5 бетдан ошмаслиги лозим.

Танловга юборилган мақолалар сараланиб, газета саҳифаларида ёритиб борилади ва танловни ўтказиш ташкилий қўмитасига тақдим этилади.

Танлов 1998 йил 8 декабрь -- Республикамиз Конституцияси куни арафасида якунланади.

"Оила -- муқаддас даргоҳ" ҳуқуқий мавзудаги мақолалар танлови ғолибларини қуйидаги мукофотлар кутади:

1-ўрин -- 1 та -- 15.000 сўм;
2-ўрин -- 2 та -- 10.000 сўмдан;
3-ўрин -- 3 та -- 5.000 сўмдан;

Шунингдек, ҳар бири 2500 сўмдан 4 та рағбатлантирувчи мукофот бор.

Қадрли муштарийлар! "Оила -- муқаддас даргоҳ" мавзуидаги танловимизда барча ёшлар қатнашиш ҳуқуқига эгалар.

Сизни танловга таклиф этамиз.

Манзилимиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси, 32. "Туркистон" газетаси таҳририяти. "Оила -- муқаддас даргоҳ" танловига, деб ёзишни унутманг.

ОМАД ЁР БЎЛСИН!

ДИҚҚАТ, ЁШЛАР!!!

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ "КАМОЛОТ" ЖАМҒАРМАСИ ЁШЛАР МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ ҚОШИДА ОЧИЛГАН ТАДБИРКОР ТАЛАБА МАРКАЗИ СИЗЛАРНИ ҚУЙИДАГИ ИМТИЁЗЛИ ЎҚУВ КУРСЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

1. ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР(инглиз, немис, француз, араб, турк тиллари)
2. КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ ВА ИНФОРМАТИКА АСОСЛАРИ
3. "ЧЕВАР" ТИКИШ-БИЧИШ ВА ЗАМОНАВИЙ ДИЗАЙН КУРСИ
4. "МОҲИР ПАЗАНДА" КУРСИ

АЗИЗ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР! ВАҚТИНГИЗ БЕКОР КЕТМАСИН, ШОШИЛИНГ!

Тўлов сизлар учун қулай, энг муҳими қиммат эмас. Кам таъминланган оила фарзандлари учун имтиёзли. Аълочи тингловчиларимиз ТТМнинг стипендиантлари бўладилар. Курсларимизни тамомлаганингиздан сўнг ўзбек, инглиз тилларида диплом -- сертификат берилади. Сиз бу ҳужжат билан истаган жойингизда ўз иш ўрнингизни топасиз.

Яна қандай курслар ташкил қилишимизни истар эдингиз? Бизга мурожаат қилинг. Ёшлар муаммолари институти Сизнинг муаммоларингизни ҳал қилади.

БИЗ СИЗНИ КУТАМИЗ!

Манзилимиз: Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, Ўзбекистон ёшларининг "КАМОЛОТ" Жамғармаси Ёшлар муаммолари институти. "Тадбиркор талаба" маркази 209-хона, тел: 46-89-33, 46-91-73

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ ЁШ АДИБЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Маълумки, "Туркистон" газетаси таҳририяти қошида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг ёш носирлар мактаби иш бошлаган эди. Таниқли адиб навбатдаги машғулотини 1 апрель, чоршанба куни соат 15.00 да "Туркистон" таҳририятида (Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. 508-хона) ўтказади.

Машғулотда ёш носирлар асарлари таҳлил этилади. Шунинг билан бирга "Санъат санъат учунми?" мавзуида баҳсу мунозаралар юритилади.

Барча ёш носирлар ва адабиёт ихлосмандларини Шукур Холмирзаев машғулотларига таклиф этамиз.

"Туркистон"чилар

ҒОЛИБ БИЛАН УЧРАШУВ

Пойтахтдаги Олимпия шуҳрати музейида бухоролик таниқли боксчи, кечагина Берлинда ўтказилган Бутунжаҳон боксёрлар ассоциацияси мусобақасида профессионал боксчилар орасида «Трансконтинентал чемпион» унвонини қўлга киритган Фурқат Турсуновнинг журналистлар билан учрашуви бўлди. Унда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, республика Бокс федерацияси раҳбарлари ҳам иштирок этди. Ҳамюртимиз йиғилганларга ўзининг профессионал боксчи сифатидаги фаолияти тўғрисида сўзлаб берди ва журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

1992 йилдан буён Германия бокс клубларида қатнашаётган Фурқат Франкфуртда, сўнгра Берлинда ҳаваскорлик мусобақаларида ўн саккиз марта иштирок этиб, барчасида ғолиб чиқди. Унинг ноёб қобилиятини пайқаган Немис профессионал бокс уюшмаси раҳбарлари ҳамюртимизни таклиф этдилар. У Берлиннинг «Лок-митте» клубида қатнашиб, профессионал боксчилар билан ўтказилган 14 учрашувдан ўнтасида ғолиб чиқди. «Трансконтинентал чемпион» унвони учун Берлинда руминиялик Туран Баржи билан ҳал қилувчи жанг айниқса қизғин ўтди. Шунга қадар ўн раунд ва ундан қисқа учрашувларда куч синашиб келган Фурқат бу гал биринчи марта 12 раундлик беллашувга чиқди.

- Одатда рақибларим учрашув сўнгида анча чарчаб қолар ва бу менга қўл келарди,- дейди Ф.Турсунов. - Аммо бу гал кутилмаган воқеа содир бўлди. Саккизинчи раундда рақибимнинг кучли зарбасидан бурним синиб, ўзим чўккалаб қолдим. Бу менинг бутун бокс ҳаётимдаги ягона ҳолат эди. Рақиб имкониятини ҳисобга олмай йўл қўйган хатоимни 11-раундда тузатдим. Кетма-кет олган нагдаунларидан сўнг у учрашувни давом эттирмай, енгилганини тан олди.

Ҳамюртимизнинг бу ғалабаси унга Бутунжаҳон бокс ассоциациясияси чарм қўлқоп усталари ўртасида жаҳон чемпиони унвони учун курашга йўл очиб берди. Бу йўлда унга омад тилаймиз.

Б.МАНСУРОВ, ЎзА мухбири.

учун ўтказилаётган волейбол ва баскетбол мусобақаларида Самарқанд вилояти ёшлари ҳам фаол иштирок этишяпти. Хусусан Булунғур туманида 1800, Ургут туманида 1220, Нарпай туманида 504 спортчи куч синашмоқда. Шу кунларда Каттақўрғон, Нуробод, Оқдарё, Самарқанд, Пахтачи туманларида I босқич мусобақалари якунланди.

Айни пайтда олий ўқув юртларида ҳам мусобақалар қизғин ўтди. Жумладан Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида бўлган учрашувларда агро-иқтисодиёт факультети талаба-ўқитувчилари волейбол, баскетбол бўйича ғолиб деб топилди.

Шунингдек, Самарқанд Давлат университетида якунланган "Камолот кубоги" мусобақаларида волейбол тури бўйича жисмоний тарбия факультети жамоаси, баскетбол бўйича иқтисодиёт факультети талабаларига ғолиблик совғалари топширилди.

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир: Гулноза АҲМАДЖОНОВА

ТАҲРИРИЯТ: Қабулхона — 136-56-58, 133-95-97; хатлар бўлими — 136-54-64; тижорат бўлими — 133-79-69; ижодкор ёшлар бўлими — 136-54-64; спорт, ҳарбий ватанпарварлик бўлими — 136-58-93, котибият — 136-58-48.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Дизайн устаси: С.ФАЙЗУЛЛАЕВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Буюртма Г. — 01053.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
Ҳажми — 2 табоқ Тираж: 13.080
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти — 21.30

1 2 3 4 5 6